

Канадада мусулмонлар олий судининг биринчи мусулмон судьяси тайинлади



08:30 / 25.06.2021 1050

Канадалик мусулмон ишчиларнинг етакчиси Ҳасан Юсуфни сенатор бош вазир Жастин Трюдо тайинлади.

Трюдо 105 кишилик сенатга ҳукумат квотаси бўйича учта аъзони тайинлаганини эълон қилди.

Онтарио вилояти номидан Ҳасан Юсуфни тайинлаган Жастин Трюдо ўз баёнотида қуйидаги сўзларни ишлатган:

«Ҳасан Юсуф Канаданинг энг тажрибали меҳнат раҳбарларидан бири ва касаба уюшмалари ҳаракатини бошқарган биринчи шахс. Шунингдек, у 21 та мамлакатда 55 миллиондан ортиқ ишчиларни ўз ичига олган халқаро ташкилот - Америка касаба уюшмалари конфедерациясининг собиқ президенти. Юсуф икки университетнинг кўплаб раҳбарлик мукофотлари ва фахрий докторлик унвонларини олган».

Шунингдек, тарихда биринчи марта Жастин Трюдо 2021 йил 17 июнь куни Мусулмонлар Олий судининг биринчи мусулмон судьясини тайинлади.

Ушбу лавозимга тайинланган судья Маҳмуд Жамол ўз ваколатини 1 июлда Канаданинг Конституциявий суди деб аталадиган энг юқори судида бошлайди.

Эътиборли томони шундаки, бош вазир Трюдо иккала тайинловни ҳам Лондонда мусулмон оиласига қарши террор ҳужумидан кейин амалга оширган.

Хуршид Маъруф тайёрлади